


BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

3/2023

E-ISSN 2181-1466



9 772181 146004

ISSN 2181-6875



9 772181 687004



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI
SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Ilmiy-nazariy jurnal
2023, № 3

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.
Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvoohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.
Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Rasulov To'liqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor

Mas'ul kotib: Shirinova Mexrigiyo Shokirovna, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M., filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti S.E., iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V., kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A., texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E., fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Adizov Baxtiyor Rahmonovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqoyeva Muhabbat Qayumovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Djurayev Davron Raxmonovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov Baqo Bafoyevich, kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor (Andijon davlat Pedagogika instituti rektori)

Boboyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori (O'zR FA tarix instituti yetakchi ilmiy xodimi)

Jo'rayev Narzulla Qosimovich, siyosiy fanlar doktori, professor

Qurbonova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoir Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, dotsent

MUNDARIJA *** СОДЕРЖАНИЕ *** CONTENTS		
ANIQ VA TABIIY FANLAR *** EXACT AND NATURAL SCIENCES *** ТОЧНЫЕ И ЕСТЕСТВЕННЫЕ НАУКИ		
Norqulov J.F., Azimov R.B., Amirov A.A.	G'ildirak tishlariga ta'sir qiladigan eguvchi kuchlanishni tish yuzasi qattiqligiga bog'liqligini o'rganish va takomillashtirish	3
Tukhtaev B.J., Kanokova Sh.Z., Xudoyberdiyeva Sh.A., Olimov X.K.	Анализ средних поперечных импульсов частиц при столкновении Au+Au и Pb+Pb в сфере энергии $(s_{nn})^{1/2}=62-5020$ GeV	8
Masharipov S. I.	Hardy Littlewood Polya relation for nonlinear reflections	12
Umarov S.H., Hasanov N.Z., Hallokov F.K., Narzullaeva Z.M.	Effect of pressure and thermal expansion on the optical absorption edge and the deformation potential model in TLGAS ₂	16
Xayitova X.G'.	Ikkinchi tartibli matritsaviy model operatorning ba'zi spektral xossalari	23
Aliyeva T.A.	Features of the natural growth development of urban population in Nakhchivan economic region	29
TILSHUNOSLIK *** LINGUISTICS *** ЯЗЫКОЗНАНИЕ		
Asadov T.H.	O'zbek tilidagi murakkab tarkibli ayrim affikslarning tabiati xususida (ravishga nisbat beriladigan affikslar misolida)	37
Azimov I.M.	Miyon Buzrukning adabiy til, istiloh masalalariga munosabati	42
Bozorova R.Sh.	Nemis tilida gidronimlarning kelib chiqish tarixi	48
Davlatova M.H.	Ikkilamchi predikat bilan ifodalanadigan rezultativ tuzilmalar turlari xususida	55
Fayzullayev O.M., Ergasheva G.R.	Lingvomadaniyatshunoslikning fan sifatida shakllanishi, rivojlanish bosqichi va sohani o'rganishga doir yondashuvlar	60
Shirinova M.Sh., Rzayeva Ch.V.	Kinofilmlar tilida evfemizmlarning tutgan o'rni va ahamiyati	64
Хидирова Г.Х.	Замонавий терминологияда терминнинг объектив таърифи, тавсифи ва чегарасини ажратиш муаммолари	69
Hamroyeva N.N.	Shaxslararo muloqot jarayonida dialogik diskursning o'rni va kommunikativ strategiyalar	76
Ismoilova D.R.	Language crimes in English language	81
Narzullayeva F.O.	Tilning nominativ va ekspressiv funksiyalarining o'rganilishi	85
Rabieva M.G'.	Olamning kontseptual manzarasi kognitiv tajribaning muhim komponenti sifatida	90
Rasulov Z.I., Sharopov Sh.Sh.	Kooperatsiya tamoyilining pragmalingvistikadagi o'rni	94
Uzakova L.A.	O'zbek va ingliz tillarida to'y bilan bog'liq leksik birliklarning lingvokulturologik tadqiqi: ingliz to'y marosimlarini o'rganish	99
Xolova Sh.D.	"Avoir" fe'li ishtirokidagi inson his-tuyg'ularini ifoda etuvchi frazemalar tarjimasining o'ziga xosliklari	103
Xudoyev S.S.	O'zbek va nemis topishmoqlarida metaforik birliklarning antropotsentrik tadqiqi	108
Xusainova Z.Y.	Tabiiy tilni qayta ishlash (NLP)da stemming jarayoni tavsifi	113
Yusupova D.Y.	Euphemistic findings of the poet Halima Khudoiberdiyeva	120

Одилова Г.К.	Болалар адабиётда глуттоник дискурс таржимасида услуб ва маъно адекватлиги	126
Жумаев А.А.	Ўзбек ва немис бадий матнларида орнитопэтонимларнинг маъно оттенкалари	132
Murtazoyev O.N.	Intertekstuallikning tilshunoslikda qoʻllanilishi	136
ADABIYOTSHUNOSLIK *** LITERARY CRITICISM *** ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ		
Oʻrayeva D.S., Adizova O.I.	Folklore in the context of modern culture	140
Eshonqulova G.T.	Badiiy asarda maʼnoni implisit ifodalashning kommunikativ strategiyalari	149
Курбанов С.С.	“Ўткан кунлар” романида оқил оталар образи талқини	154
Muxammadova M.M.	"Koʻhkan" taxallusi bilan sheʼrlar yozgan Shayboniy hukmdor talqini	158
Ganieva O.Kh., Rajabova Z.T.	The concept of the motif of loneliness in 20th century American literature	163
Sultonova D.S.	Ingliz adabiyotida kriminal mavzudagi prozaik asarlar taraqqiyoti	167
Umarov U.A.	Characteristic features of hero archetype in the example of Harry Potter	171
Umurova N.R.	“Iqromoma” va islom falsafasi	176
Urmonova N.M.	The deontology of translation and interpretation	181
Babayev O.A.	Jaloliddin Rumiy asarlarining arab tiliga qilingan tarjimalarda gʻarb tarjimalari taʼsiri	186
Бахронова М.А.	Бадий адабиётда касалликлар рамзи	191
Бокарева М.А.	Пути развития русского реализма рубежа хх-ххі веков: от соцреализма до экзистенциального постреализма	196
Жамилова Б.С.	Ўзбек ва турк болалар адабиётдаги муштарак туйғулар	203
Nuritdinova Sh.S.	Hamza Imonberdiyev sheʼriyatida ramziylik va erk motivi ifodasi	210
Ражабова Р.З., Ражабова Г.З.	Эртак жанри стилизациясининг асослари ва тараккиёт хусусиятлари	215
Usmonova Z.H.	Rey Bredberining “Marsga hujum” (“Марсианские хроники”) asarida tarjima xususiyatlari va tarjimon uslubi	221
Sadigova N.E.	Romanticism of Byron and his work “Cain”	227
MATNSHUNOSLIK VA ADABIY MANBASHUNOSLIK *** TEXTOLGY AND LITERARY SOURCE STUDY *** ТЕКСТОЛОГИЯ И ЛИТЕРАТУРНОЕ ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ		
Maqsudova N.U.	Ziyovuddin Haziniy sheʼrlarining manbalari	233
“NAVOIY GULSHANI”		
Ражабова М.Б.	Риёву ужбу ҳасад дафъин эт ...	237
PEDAGOGIKA *** ПЕДАГОГИКА *** PEDAGOGICS		
Bahronova B.B.	Abdurauf Fitratning axloqiy-tarbiyaviy qarashlari	240
TARIX *** ИСТОРИЯ *** HISTORY		
Muminov D.A.	Samarqandga evakuatsiya qilingan sanoat korxonolari va ularning faoliyati	244
Raxmatulloyev M.X.	Mustaqillik yillarida Oʻzbekistonda ommaviy axborot vositalarining tarixi va rivojlanish bosqichlari	249
Xakimov J.N.	Buxoro amirligi va Rossiya imperyasining savdo-sotiq munosabatlarining yoʻlga qoʻyilishi	253

“ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИДА ОҚИЛ ОТАЛАР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

*Курбанов Санжар Салиевич,
Бухоро давлат университети ўқитувчиси
sanjarkurbanov0077@gmail.com*

Аннотация: Машхур ўзбек ёзувчиси, янги давр ўзбек насрининг асосчиси Абдулла Қодирий халқимизнинг энг суюкли ижодкорларидан биридир. Унинг катта эҳтирос ва санъаткорлик билан ёзилган “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари миллионлаб китобхонларнинг маънавий мулкига айланган. Ушбу романларнинг энг марказида ота образи туриши сир эмас. Оталарнинг оқиллиги ёки жоҳиллиги туфайли бахтга эришган ёки аксинча таназзулга учрагани ёзувчи маҳорати орқали ёритиб берилган.

Калит сўзлар: образ, тарбия, оилавий муносабатлар, образ хухусиятлари.

Аннотация: Известный узбекский писатель, основоположник узбекской прозы нового времени Абдулла Кадыри – один из самых любимых писателей нашего народа. Его романы «Минувшие дни», «Скорпион из алтаря», написанные с большой страстью и вхохновением, стали духовным достоянием миллионов читателей. Не секрет, что фигура отца находится в центре этих романов. Успех или упадок отцов из-за их ума или невежества раскрывается благодаря мастерству писателя.

Ключевые слова: образ, воспитание, семейные отношения, характеристики образа.

Annotation: The famous Uzbek writer, the founder of the Uzbek prose of modern times, Abdulla Kadyri, is one of the most beloved creators of our people. His novels "Bygone Days", "Scorpion from the Altar", written with great passion and artistry, have become the spiritual heritage of millions of readers. No secret that the figure of the father is at the center of these novels. The success or decline of the fathers, through their intelligence or ignorance, is revealed through the skill of the writer.

Key words: image, education, family relations, image characteristics.

Кириш. Машхур ўзбек ёзувчиси, янги давр ўзбек насрининг асосчиси Абдулла Қодирий халқимизнинг энг суюкли ижодкорларидан биридир. Унинг катта эҳтирос ва санъаткорлик билан ёзилган “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари миллионлаб китобхонларнинг маънавий мулкига айланган. “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида катта меҳр билан тасвирланган Отабек ва Кумуш, Юсуфбек хожи, Ўзбек ойм, Анвар, Раъно ва бошқа қахрамонларнинг ёркин сиймоси ўқувчида ёркин таассурот қолдиради. Асар қахрамонларининг орзу-умидлари; соф, беғубор севгиси қоқоқ удумлар, ёвуз кимсаларнинг тажовузлари туфайли топталади. Китобхон Отабек ва Кумушнинг бахтсиз қисматига кўз ёши тўқади. Анвар билан Раънонинг бахтиёр кунларини кўриб қувонади.

Асосий қисм. Абдулла Қодирийнинг бу ўлмас асарлари ёш китобхонларнинг маънавий мулки бўлиб қолди. Ёзувчи ўтмишдаги қора доғларни кўрсатиш орқали бугунги кун ўқувчисига жиддий сабоқ беради. Мамлакат парчаланиб кетган, ўзаро “қора чопон” ва “қипчоқ” қирғинлари авжида, золим ҳукмдорлар фақат вақтни ўтказиш, халқни шилиш билан овора. Ташқи ёв эса шундоққина эшик қоқмоқда эди. У билан курашишга ҳеч қандай тайёргарлик кўрилган эмас. Юрт жаҳолат, разолат ботқоғига бутунлай ботиб кетган. Бунинг устига қоқоқ удумлар, урф-одатлар халқ қалбини ўргимчак тўри каби ўраб олган. Илғор маърифатли одамларга кун йўқ. Замонасининг етук сиймоси, илғор фикрли Отабек ота – онасининг иродасига қарши бора олмайди. Оқибатда жонидан қаттиқ севгани – бахт қушидан маҳрум бўлади. Қоқоқ тушунчалар, расм-русумлар унинг бахтини, келажигини вайрон қилади. Таназзулдан қутулишнинг ҳеч қандай чораси йўқ. Бундай шароитда Отабек, Юсуфбек хожи, уста Олим каби юрт тақдирини ўйлаган кишилар нима қилмоғи керак?!

Оталарни жаннатнинг калити дейишади. Дарҳақиқат, бу ёруғ оламда ота бор эканки, биз ҳам мавжудмиз. Инсон ота наслининг давомчиси сифатида дунёга келади. Жаҳон адабиёти тарихи ёинки ўз адабиётимиз тарихида ҳам бу буюк зотларга бағишланган асарлар талайгина. Қолаверса, бадий адабиётимиз тарихидан ўрин олган қайси бир асар бўлмасин, уларнинг деярли барчасида ота образи муҳим ўрин тутади. Жумладан, XX асрнинг ноёб дурдоналаридан бўлмиш Абдулла Қодирийнинг

“Ўткан кунлар” ҳамда Ойбекнинг “Қутлуғ қон” асарларида ҳам ўзбек оталарига хос бўлган хусусиятлар ўз ифодасини топган.

Абдулла Қодирий ўз тасвирида тарихий фактларга, ҳатто айрим шахслар: Худоёрхон, Мусулмонкул, Азизбек ва бошқаларни тасвирлашда суянган ҳолда, давр тавсифи, “жамият ҳаётининг поэтик таҳлили”ни романнинг марказий қаҳрамонлари Отабек ва Кумуш тақдирларини тасвирлаш орқали беради. Отабек ва унга хайрихоҳ кишиларнинг тақдири жуда мураккаб, баъзан фожеали эканлигини асарни ўқиб билиб олиш мумкин. Асарда таҳлил қилиниши керак бўлган шундай образлар борки улар ўқувчига жуда катта ҳажмда маънавий озуқа беради ва ўқувчини тарбиялайди. А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида Отабекнинг отаси Юсуфбек ҳожи, Кумушнинг отаси Мирзакарим қутидор ҳамда Отабекнинг маънавий отаси Ҳасанали каби ота образларини кўриш мумкин. Инсоннинг исми ҳар доим отасининг исми билан ёнма-ён тилга олинади. Бу эса инсон ҳаётида отанинг ўрни нечоғлик катта ва муҳим аҳамиятга эга эканлигини билдиради. А.Қодирий ҳам Отабек номини ҳар тилга олганида унга Юсуфбек ҳожининг ўғли эканлигини таъкидлаб ўтади. Хусусан, асарнинг биринчи бўлим биринчи фасли “Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли” деб номланган. Шунингдек, Отабек портетини чизишда ҳам унинг отаси тилга олинади: “Оғир табиатлик, улуғ гавдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишкан, қора кўзлик, мутаносиб қора қошлик, ва эндигина мурти сабз урган, қандайдир хаёл ичида ўлтурғучи бу йигит Тошканднинг машхур аёнларидан бўлган Юсуфбек ҳожининг ўғли – Отабек” [1, 4 б.]. Фарзанд ҳар доим елкасида ота номини кўтариб юради. Ўзбек халқи фарзандига қараб унинг отасига баҳо беради. Ёзувчи Отабекни оғир табиатлик ва хаёл ичида ўлтурғучи деб тасвирлаганидан ҳам билиш мумкинки, Отабекнинг отаси ҳам оғир, вазмин, мулоҳаза билан иш тутадиган – етти ўлчаб, бир кесадиган инсон. Отабекнинг ўз дардини дoston қилмаслиги, обрў ва эътиборидан қатъи назар, кишиларга тавозе билан муомала қилиши, ҳар бир сўзини ўйлаб гапиришида ҳам ўқувчи Отабекни шундай тарбиялаган отасини кўз олдида келтиради. Қўйидаги парча ҳам Отабекнинг инсоний хислатларини яққол намоён этган: “Ҳасанали чикди. Раҳмат Отабек билан яна қайтиб соғлиқ сўрашгандан кейин ундан сўради: –Бу киши кимингиз бўладир, бек ака?

–Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай, эшикка қаради. Ҳасаналини хужрадан узоқлатиб жавоб берди:

–Қулимиз”(6-бет).

Оиланинг кули бўлишига қарамай унга шунчалар меҳр ва ҳурмат кўрсатиш фазилати ҳам аслида Отабекнинг эмас, отаси Юсуфбек ҳожининг фазилати, чунки халқимиз айтганидек: “Қуш уясида кўрганини қилади”. Отабек орқали тасаввур этаётган отани энди ёзувчининг тили билан кўрайлик. Қодирий Юсуфбек ҳожининг табиатини шундай тасвирлайди: “Хотин билангина эмас, умуман, уй ичиси билан ҳар қандай масала устида бўлса бўлсин узоқ сўзлашиб ўлтурмайдур. Отабекми, онаси, Ҳасаналими ишқилиб уй ичидан бирартасининг сўзлари ё кенгашлари бўлса, келиб ҳожининг юзига қарамасдан сўзлаб берадилар; мақсад айтиб биткандан сўнг секингина кўтарилиб унинг юзига қарайдилар. Ҳожи бир неча вақт сўзлағучини ўз оғзига тикилтириб ўлтургандан сўнг, агар маъқул бўлса “хўб” дейдир, гапка тушунмаган бўлса, “хўш” дейдир, номаъқул бўлса дуруст эмас дейдир ва жуда ҳам ўзига номаъқул гап бўлса, бир илжайиб қўйиш билан кифояланиб, мундин бошқа сўз айтмайдир, айтса ҳам уч-тўрт калимадан нарига ошмайдир”(124-бет). Бу таърифдан билинадик, Юсуфбек ҳожи ўзбек оталари каби оғир табиатли, камгап, бир масалани ҳар томонлама ўйлаб муносабат билдирувчи, ҳамсухбати қандай киши бўлмасин муомала одобини сақловчи идеал ота образидир. Фарзанди Марғилондан уйланганини эшитиб ҳам ҳеч ранжимади, чунки қуда бўлмиш Мирзакарим қутидорнинг ўзига ҳар жиҳатдан муносиб инсон эканлигини, ўғлининг қилажак ҳар иши мулоҳаза билан ўйлаб қилинганини ич-ичдан сезиб, ундан рози бўлади. Масаланинг яна бир томони борки, у ўғлини ҳар жиҳатдан ишонган, яқин кишиси Ҳасаналидай софдил инсоннинг қўлига топширган. Ёзувчи уни ҳар ўринда “Юсуфбек ҳожи” деб тилга олади. Бундан маълум бўладик, ота Ҳаж зиёратини адо этган шахс. Аммо бунинг тағмаъносида унинг оккўнгиллиги, диёнати, инсофли, ҳақгўй инсон эканлиги ётибди. У асарнинг бир ўрнидагина ягона ўғли борлигини тилга олади. Аслида эса у бутун халқнинг падари бузруквори, ҳимоячиси, мадакори, соябони тарзида тасвирланган. Ёзувчи уни худбин ва риёкор беклар зульмидан халқни омон сақловчи “маънавий ота”си сифатида тасвирлайди. Чунки унинг Азизбекнинг халққа 32 танга солиқ солиш ҳақидаги фармонини етказишдаги чуқур нафрат билан айтган сўзлари унинг фарзандлари учун дили оғриган ота ҳолатини кўрсатади. Юсуфбек ҳожи ҳамма вақт ўғлидан рози бўлса-да, Отабекнинг одам ўлдирганини эшитиб ранжийди. Шунда ҳам оталарга хос ҳам сиёсат, ҳам меҳрибонлик билан масалани бошқа йўл билан ҳал қилиш лозимлигини таъкидлайди. Доимгидек вазиятни ҳақиқат

мезонларига мувофиқ баҳолайди. Чунки Отабекнинг сўзлари билан айтганда, “Юсуфбек ҳожидай бир инсонинг ўғли бўлиб, одам ўлдириш уят ва номусдир”.

Кудалари Кумушни Тошкандга олиб келишлари хабарини билгач, ўғлига уларнинг хурматларини жойига қўйиш, “катта шаҳардан ўзини кичик олиб келувчилардан ўтган гиналарни унутишни, уйига келажак меҳмоннинг иззат-хурматини тўлиқ адо этишга ундайди. Худди шундай огоҳлантириш Ўзбек ойим ва Зайнабга ҳам тегади. Ўзбек ойимга: “Сен билан муддаоларимиз бир деб ўйлаганимдан Отабекни койиб тўхтатқанимдан сўнг сенга кенгаш солмасданок кудаларингга бир хат ёзган ва келин болани Тошкандга олиб келишларини сўраган эдим. Ҳайтовур сўзимни ерга қолдирмаган ўхшайлар, бу кун қудадан битта жавоб хати олдим. Ақллик кишиларнинг садағаси кетсанг ҳам арзийдир: шу чоққача сизларга айтдирмасданок зиёратларингизга боришимиз керак эди. Хатингизни ўқуб ниҳоятда хижолат чекдик, айниқса, келин болангиз бек ойимга қайси юз билан қарайман деб юзини юлди. Бу адабсизлигини борғандан сўнг албатта юзига солмаслар, деб ишонамиз, дейдир(294-бет). Зайнабга: “Биз Марғилондаги опанг кўчинини олиб келмакчи бўлдик...сен шунга нима дейсан?

–Мен нима дердим...

–Ул келганда эгачи-сингилдек бўлиб кета оласанми?

–Бўлиб кетармиз... Тагин билмадим, қарс икки қўлдан чиқар...

–Жуда тўғри гапирдинг, болам, сендан олган ваъдани ундан ҳам оламыз”(296-бет).

Бу вазиятда Юсуфбек ҳожи оиланинг тинчлиги, аҳиллиги ва жипслигини ўйлаган ота сифатида намоён бўлади. Ҳожи бош бўлган уйда бирор ортиқча гап, ноўрин хатти-ҳаракат бўлмаслиги назарда тутилади. Бу эса ўзбек оилаларида отанинг ўрни қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бу ваъдалар қор қилмай, икки кундош орасида ола мушук ўтган кезларда ҳам уларни яраштириб қўйган ҳам шу ота эди.

Асардаги Кумушнинг отаси сифатида тасвирланган Мирзакарим қутидор ҳам ана шундай оилапарвар оталардан. Асарда Мирзакаримбой деб ҳам, Мирзакарим қутидор деб ҳам тилга олинади ва асарда Раҳмат тилидан бундай дейишларига изоҳ ҳам берилади: “Ўзи давлатманд бир киши, савдогар, бир неча вақт Тошкандда қутидорлик қилиб турган экан” (9-бет). “45-50 ёшлар чамасида, қора қош, қора кўз яхшигина кийинган бу киши”(11-бет) –Мирзакарим қутидор ҳам, ўз оиласи, аҳли аёлига меҳрибон кишигина бўлиб қолмасдан, эл-у юрт аҳволига ҳам бефарқ эмас. Ўзига тўқ оила бошлиғи бўлса-да, ночор халқ холи уни ҳамма вақт ўйлантиради. Азизбекни назарда тутиб, “Амири Умархондек одил пошшо бўлса, биз ҳам ўрисдан ошиб кетар эдик” – деганида ҳам Азизбекнинг зулмидан тўйган халқ қайғусига шериклик ҳиссини кўрамиз. Отабекни ўз фарзандидек кўрган қутидор Юсуфбек ҳожидан Отабекни Тошканддан уйлантириш хатини олгач, қизикқонлик қилмай, мулоҳаза билан масалага ойдинлик киритади: “Агар бу ишда куявингнинг ҳам изи сезилганда эди, сан эмас ман ҳам бу гапка чидамас ва кизим устига тушкан бу оғир масалани тинчлик билан қарши олмас эдим. Аммо бунда куявингнинг иштироки кўрилмай, шунинг ила маним дамим кесилиб қолди. Хатнинг мазмунидан онглашиладурким, бу иккинчи уйланишқа Отабек бутунлай қарши бўлиб, фақат бу гап кудаларингнинггина ишларидир. Шунинг учун куявингнинг уйланишини қизинг устига чин маъноси ила кундаш деб бўлмайди”(138-бет). Ўз кизи устига ўзи ризолик бериб кундаш олиб бериш осон деб ўйлайсизми? Қутидор ота бўлиб Отабекнинг ота-она орзусини тушунган ана шундай бардошли, иродали жасорат соҳибидир.

Асарда оталар образига алоҳида таъкид ва юк тушган. Чунки аёллар, хусусан, оналар ҳиссиётга берилувчан, қизикқон хусусиятларда тасвирланган бўлса, оталар Юсуфбек ҳожи ва Мирзакарим қутидор асарда ҳосил бўлган муаммо тугунларини ечувчи, ўйловли, мулоҳазали, кенг фикрли, энг тўғри қарорни қабул қила оладиган, уй ичи аёлларни ҳам тўғри йўлга сола биладиган оқил инсонлар сифатида асар воқеаларини бошқаради. Талоқ хатининг сохта эканлигини билган қутидор кизини ўзи Тошкандга олиб бориши кераклигини тушунади ва Кумушнинг Тошкандда эри билан қолишига ҳам розилик беради. Фарзанд бахти учун ўз ёлғизлигини ҳам унутади.

Асарни Отабекнинг маънавий отаси бўлган Ҳасаналисиз тасаввур этиб бўлмайди. У асар бош қаҳрамони бўлмаса-да, асарнинг ҳар бир воқеасида ҳар бир образ учун ёрдамчи вазифасини бажаради. Аслида бу ёрдамчилик ёзувчининг мақсадларини амалга ошириш воситаси. Ҳасаналини ёзувчи бизга шундай таништиради: “Ҳасаналини болалик вақтида Эрондан киши ўғурлаб келгучи бир туркман қўлидан Отабекнинг бобоси ўн беш олтин баробарига сотиб олгон эди. Ҳасаналининг Отабеклар оиласида қулликда бўлганига элли йиллар чамаси замон ўтиб, энди Отабеклар оиласининг чин бир аъзоси бўлиб кеткан. Хўжаси Юсуфбек ҳожига, айниқса, хўъжазодаси Отабекка итоат ва ихлоси том бўлиб, бунинг эвазига улардан ишонч ва хурмат кўрар эди. Ҳасанали ўттуз ёшлик вақтида

сотиб олган бир чўрига уйлантирилган бўлса ҳам, аммо ўғул-қизлари бўлмаган, бўлсалар ҳам ёшликда ўтиб кетканлар. Шунинг учун бўлса керак Отабекка ихлос қўйиб, унга ўз боласи каби қарар: “Ўлганимдан кейин руҳимга бир калима қуръон ўқуса, бир вақтлар Ҳасанали отам ҳам бор эди деб ёдласа, менга шуниси кифоя” деб қарор берган ва ҳозирдан бошлаб Отабекка бу тўғрида сипоришлар бериб, ундан самимий ваъдалар олиб юрғучи оқ кўнгиллик бир “қул” эди” (6-бет). Отабекнинг Ҳасаналига бўлган меҳр ва ҳурмати ниҳоятда улғу. Шу боисдан ҳам уни ҳамиша ота деб атайди:

“–Ўғлим, Отабек.

–Сўзлангиз.

–Айтинг-чи, мен сизнинг кимингиз?

–Сизми? Отам бўлмасангизда мени оталиқ муҳаббати ила суйган содиқ ва меҳрибон кишимсиз – яъни маънавий отам” (22-бет).

Шунинг учун ҳам Ҳасанали Отабекни Юсуфбек ҳожидан кам севмайди. Ҳасанали унинг бахти учун ҳеч нарсдан қўрқмасдан таваккал қилиб, тўй бошлайди. Кумуш Тошкандга келганда ҳам уларни овлоқда учраштирган Ҳасаналидир. Ўғли Отабекнинг мулоҳазали, тортинчоқ эканлиги ҳамда дилида нелар борлигини дарров фаҳмлайдиган ҳам Ҳасаналидир. Отабек Марғилондан келган қайин онаси билан сўрашишга кечиккани узрини кимиз билан қабул қилдирган ҳам Ҳасанали ота эди.

Хулоса. Оила бошлиғи бўлган оталар ҳамма оғирлик, масъулиятни ўз зиммаларига оладилар. Отабекнинг қамалганидан сўнг ана шундай оғирлик Ҳасаналининг елкасига тушади. Уни қандай қутқариш, нима учун қамалганини билиш учун чора тополмай қийналади. Юсуфбек ҳожи билан кенгашиганида ҳожи унга бу хабарни Ўзбек ойим эшитмаслиги кераклигини тайинлайди. Шунда оталар барча ўйловни ўз дилларига олиб, аёлларни бундай ёмон хабардан асрашади. Шунинг учун ҳам асарни ўзбекнинг оқил оталари жам бўлган дурдона асар деб ҳисоблаш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдулла Қодирий. *Ўткан кунлар. –Тошкент: Янги нашр, 2019 йил. –Б. 4*
2. *O'zbek adabiyoti tarixi. Besh jildlik. 2-jild.-T. Fan. 1977*
3. Askarovich, H. A., & zulfizar Khudoyberdiyevna, S. (2021). *Emotional Concepts In English and russian Phraseology. Conferencious Online, 33-37.*
<https://conferencious.com/index.php/conferences/article/view/55>.
4. Haydarov, A. A., & Navruzova, N. H. (2021). *Stylistic Features Of Intonation. Scientific reports of Bukhara State University, 5(1), 18-29.*
https://buxdu.uz/media/jurnallar/ilmiy_axborot/ilmiy_axborot_1_son_2021.pdf#page=20.
5. Saparbayev I. *Men sevgan asar. Abdulla Qodiriyning “O'tgan Kunlar” romani. Badiiy tasvir vositalari*
<https://staff.tiiame.uz/storage/users/85/presentations/zk7UuGGCFdNwoDqsae8Kuih2x8Xw4qY6CBTfbXb6.pdf>
6. S. Kurbanov, *Imom G`azzoliy asarlarida farzand tarbiyasi muammolari. Tilning leksik-semantik tizimi, qiyosiy tipologik izlanishlar va adabiyotshunoslik muammolari Materiallar to'plami 13 56-60 betlar. 2022 Toshkent Durdona nashriyoti.*
7. Zarifovna, R. N. (2023). *Euphemisms in political discourse. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(2), 626-631.*
8. Saparova, M. R. (2019). *Principles of foreign language teaching. In Язык и культура (pp. 60-67).*
<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42528624>
9. Kurbanov, S. S., & Saparova, M. R. (2021). *Badiiy asar jozibadorligini oshirishda qarg'ish anglatuvchi disfemizmlarning personajlar nutqida berilishi. Academic research in educational sciences, 2(4), 1246-1251.* <https://cyberleninka.ru/article/n/badiiy-asar-jozibadorligini-oshirishda-qarg-ish-anglatuvchi-disfemizmlarning-personajlar-nutqida-berilishi>
10. Saparova, M. R. (2016). *The problem of stylistic classification of colloquial vocabulary. Міжнародний науковий журнал, (5 (1)), 80-82.* <https://www.inter-nauka.com/uploads/public/1505892674749.pdf#page=81>
11. Turdiyeva N.B. *Ulug'bek hamdamning “ota” romanidagi ota obrazi*
<https://zenodo.org/record/6835191#.ZCJvv3ZBzIU>